

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*СамИСИ ассистенти М.Ҳ.Хусанов
СамИСИ магистранти Б.А.Мирзаев*

Аннотация: Мақолада қўшилган қиймат солиғи аудитини ташкил этиш асослари, аудит ўтказиш босқичлари ҳамда қўшилган қиймат солиғи аудитини кетма-кетлиги баён қилинган.

Калим сўзлар: аудит, ҚҚС, солиқ, аудит режаси, аудит дастури.

Аннотация: В статье описаны основы организации проверки по налогу на добавленную стоимость, этапы проверки и последовательность проведения проверки по налогу на добавленную стоимость.

Ключевые слова: аудит, НДС, налог, план аудита, программа аудита.

Abstract: The article describes the basics of the organization of the value added tax audit, the stages of the audit and the sequence of the value added tax audit.

Keywords: audit, VAT, tax, audit plan, audit program.

Солиқлар давлат бозор иқтисодиётига таъсир кўрсатадиган иқтисодий воситалар каторида муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай давлат ўзининг бозор иқтисодиётида салбий ҳалотларнинг олдини олиш ва тартибга солиш мақсадида солиқ сиёсатидан кенг фойдаланади. Ўтмишда ҳам ва бугунги кунда ҳам солиқлар жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига киради. Солиқлар жамият пайдо бўлган пайтдан бошлаб жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий бўғинидир.


Республикамызда “...макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш”¹да хусусий мулкка асосланган корхоналар муҳим рол ўйнайди. Чунки хусусий мулкка асосланган корхоналар нафақат аҳолини бандлигини ва реал даромадларини таъминлайди, малакатда пул, товар, хом-ашё айланиш тезлигини оширади, бозорларда соғлом рақобат муҳитини яратади, тўйинган бозорларни ҳосил қилади, нархларни талаб ва таклиф асосида шаклланишига асос бўлади, балки ўзларининг фойдаларидан давлат бюджетига солиқ тўлаш орқали давлат бюджетни даромадларининг ҳам ошишига ва бу орқали мамлакатнинг турли соҳаларида бюджетнинг харажатларининг тўлақонли ва ўз вақтида таъминланишига имкон беради.

Бугунги кунда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва уларни хужжатлаштириш тартибларини такомиллаштириш ўз навбатида улар аудитини ҳам такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Мамлакатларда турли хил солиқ тизимлари амал қилса-да, уларнинг аксарияти бюджет даромадларини таъминлашда эгри солиқларга, хусусан

¹“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 7 феврал.

қўшилган қиймат солиғига (ҚҚС) таянади. ҚҚСнинг 170 та мамлакатда жорий этилганлиги ва улардаги жами солиқ тушумларининг ўртача 20 фоизини ташкил этиши бунинг исботидир. ҚҚСнинг бюджет тушумларини оширишда самарали восита сифатида амал қилиб келаётганлиги, бу унинг 1) бюджет даромадлари манбаини кенгайтириш ва 2) даромадларни макроиқтисодий даражада қайта тақсимлаш каби вазифаларни амалга ошириш мақсадида лойиҳаланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, у истеъмол қарорларига таъсир этишга йўналтирилмаганлиги сабабли ундан ялпи талабни оширишда тўғридан-тўғри фойдаланиш, бюджет харажатлари орқали иқтисодий ўсишга туртки беришдан кўра самарасизроқ ҳисобланади.



1-расм.2021 йил жами тушумда солиқ турларининг улуши.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг **мақсади** - текшириладиган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоботининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни акс эттириш қисмида, ҳамда солиққа тортишдаги тартибга солинмаган масалалар билан боғлиқ сезиларли ҳолатларни акс эттиришдан иборат.

Бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар аудитор жиддий эътибор бериши лозим бўлган мураккаб объект ҳисобланади. **Биринчидан**, бюджетга тўланадиган солиқларнинг нотўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлиги учун корхонага нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилади. Бу эса унинг молиявий аҳволига сезиларли даражада таъсир қилади. **Иккинчидан**, ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини тасдиқловчи

аудиторлик хулосалари солиқ инспекцияси томонидан қабул қилиниши айрим ҳолларда шубҳа остига олиниб, қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Сўнги ҳолатда солиқ органи тақдим қилинган аудиторлик хулосасини қайтадан текшириб чиқишга ҳақлидир.


Солиқлар бўйича қарзлар юридик шахсларнинг бюджет олдидаги мажбурияти бўлиб ҳисобланади ва одатда, маълум санада тўланади. Солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариши ва меъёрий ҳужжатлар айрим қоидаларидаги зиддиятлар солиқларга доир ҳисоб-китобларда тасодифий хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Солиқлар бўйича қарзлар синчиклаб текширувдан ўтказилганида қуйидаги хатолар аниқланиши мумкин:

- ✚ солиқларни ҳисоб-китоб қилишда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, қонун ҳужжатлари ва йўриқномаларнинг нотўғри қўлланиши;
- ✚ солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши;
- ✚ солиққа тортиладиган базанинг нотўғри аниқланиши;
- ✚ пеня ва жарималарнинг ноаниқ ҳисобга олиниши;

Кредиторлик қарзлари ва бутун бухгалтерия ҳисоботини баҳолашга қуйидагилар таъсир кўрсатади:

- ✚ солиққа тортиш бўйича имтиёз олиш учун хато ахборотларни тақдим этиш;
- ✚ солиқ органларига тақдим қилинадиган маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши ёки яширилиши;

ҚҚС аудитининг вазифалари қуйидагилардан иборат:



2-расм. ҚҚС аудитининг вазифалари.

Ҳар бир солиққа оид қонунчилик ҳужжатида солиқ ставкаларини қўллаш, солиқ солинадиган базани аниқлаш, солиқларни тўлаш муддатлари, ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаказо талаблар акс эттирилади.

Солиқ мажбуриятларининг нотўғри аниқланиши катта молиявий йўқотишлар келтириб чиқаришини ҳисобга олиб, аудиторлар ушбу участкада текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясига алоҳида эътибор беришлари лозим. Текширувларни муваффақиятли ўтказиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ✚ бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

- ✚ ходимларни солиққа тортиш масалаларига оид тезкор ахборотлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;
- ✚ аудиторлар оддий кундалик муаммолар устида такроран ишламасликлари учун, корхона ичида солиққа тортишнинг долзарб масалаларига доир ахборотлар ва ишланмаларни алмашишни ташкил этиш;
- ✚ миқоз томонидан тақдим қилинадиган, солиққа тортиш масалаларига доир ёзма ахборотлар сифатини самарали назорат қилиш;
- ✚ корхона ичида солиқ бўйича маслаҳат бериш технологиясини барпо қилиш ва бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган ишчи ҳужжатларининг махсус шакллари ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'Ktamovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 23.
7. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
8. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO 'RSATUVCHI SUB'EKTLARDA HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
9. Uchkun, S., & Dilshod, N. (2022). PROCESS OF IDENTIFYING THE SIGNIFICANT ACCOUNTS IN THE REVENUE CYCLE. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 32-36.
10. Ширинов, У. А. (2019). Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
11. Ширинов, У. А. (2019). Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
12. Худайбердиев, Н. У., Ширинов, У. А., & Алибоев, А. (2021). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (7-2), 94-97.
13. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
14. Вахромович, У. К. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.
15. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.